



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 9 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 9

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 9



ТОШКЕНТ-2025

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Otabek Alimardonov “MIGRATION AS A TOOL OF PUBLIC DIPLOMACY IN CENTRAL ASIA: CHALLENGES, STRATEGIES, AND PROSPECTS”.....	5
2. Nilufar Djurayeva SOVET DAVRIDA XOTIN-QIZLAR TASHKILOTLARI: MAQSAD VA VAZIFALAR, NATIJA VA MUAMMOLAR.....	14
3. Нодира Джанибекова ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ОЛИЙ МАЖЛИСА ВТОРОГО СОЗЫВА.....	25
4. Боходир Эшов, Нурали Ҳазратов, Шавкат Каромов УСТРУШОНАДАГИ ИЛК ДАВЛАТ УЮШМАСИ ТАРИХИНИНГ ТАХЛИЛЛАРИ.....	30
5. Бехзод Исабеков ҚОВУНЧИ МАДАНИЯТИНИНГ КАТАКОМБА ҚАБРЛАРИ: ОҲАНГАРОН, КАНДИРСОЙ МИСОЛИДА.....	38
6. Ibragim Ibragimov QUYI AMUDARYO HUDUDIDA HUNARMANDCHILIK TARIXI XUSUSIDA BA’ZI MULOHAZALAR.....	44
7. Shuhrat Norov ZARAFSHON VOHASI VILOYATLARIDA YOSHLAR TASHKILOTLARINING IJTIMOIIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDAGI ROLI.....	48
8. Muxlisa Ro‘ziyeva O‘ZBEKISTONDA 1991–2025- YILLARDA BOLALAR SPORT SOHASINI RIVOJLANTIRISHNING HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI.....	53
9. Xo‘sinboy Sapayev KO‘CHMANCHI SAK QABILALARINING DINIY E‘TIQODLARI, URF-ODAT VA AN‘ANALARI.....	58
10. Mansur Fayzullayev XX ASRNING 60-80-YILLARIDA O‘ZBEKISTON QISHLOQ XO‘JALIGINING IXTISOSLASHTIRILISHI (SURXONDARYO, QASHQADARYO VILOYATLARI MISOLIDA).....	63
11. Турғунжон Ярмагов ЭТНОГРАФИК ЖИХАТДАН ФОЛЬКЛОП МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ.....	68
12. Gulom Djumamuratov O‘ZBEK ULUSIDAGI OROL O‘ZBEKLARI ETNIK TARKIBIGA DOIR MANBALAR TAHLILI.....	73



Бехзод Исабеков Имомали ўғли,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Миллий археология маркази катта илмий ходими

ҚОВУНЧИ МАДАНИЯТИНИНГ КАТАКОМБА ҚАБРЛАРИ: ОҲАНГАРОН, КАНДИРСОЙ МИСОЛИДА

For citation: Behzod I. Isabekov. CATACOMB GRAVES OF THE QOVUNCHI CULTURE: THE EXAMPLE OF OHANGARON AND KANDIRSOY. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 9.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17548794>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Оҳангарон туманидаги Кандирсой ҳудудида аниқланган антик даврга оид катакомба қабри ҳақида сўз юритилади. Қабр II–IV асрларга тегишли бўлиб, Қовунчи маданиятининг иккинчи босқичига хос дафн анъаналари ва моддий маданиятини акс эттиради. Қабрдан топилган скелетлар, сопол идишлар ва қайроқ тош ушбу ҳудуддаги аҳоли турмуш тарзи, диний маросимлари ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Таянч сўзлар: “Бобурнома”, Қўшработ, Кандир, Қурама, катакомба, Ашт, Бобойи Четан

Бехзод Исабеков Имамали угли,
доктор философии по историческим наукам (PhD),
старший научный сотрудник
Национального археологического центра

КАТАКОМБНЫЕ ЗАХОРОНЕНИЯ КУЛЬТУРЫ КОВУНЧИ: НА ПРИМЕРЕ ОХАНГАРАНА И КАНДИРСОЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается катакомбное захоронение античного периода, обнаруженное на территории Кандирсоя в Охангаронском районе. Захоронение датируется II–IV веками и отражает погребальные традиции и материальную культуру второго этапа Кавунчинской культуры. Обнаруженные в захоронении скелеты, керамические сосуды и кремень служат важным источником для изучения образа жизни, религиозных обрядов и культурной жизни населения данного региона.

Ключевые слова: «Бабур-наме», Кушработ, Кандир, Курама, катакомба, Ашт, Бобойи Четан

Behzod I. Isabekov,
Doctor of Philosophy in History (PhD),
Senior researcher of the National Archaeological Center

CATACOMB GRAVES OF THE QOVUNCHI CULTURE: THE EXAMPLE OF OHANGARON AND KANDIRSOY**ABSTRACT**

This article discusses a catacomb burial from the antiquity period discovered in the Kandirsay area of the Ohangaron district. The burial dates back to the 2nd –4th centuries AD and reflects the funerary traditions and material culture of the second stage of the Qovunchi culture. The skeletons, clay vessels, and flint found in the tomb serve as important sources for studying the lifestyle, religious rituals, and cultural life of the local population.

Index Terms: Baburnama, Qushrabot, Kandir, Qurama, catacomb, Asht, Boboyi Chetan

Долзарблиги: Кандир давони қадим даврлардан бошлаб Буюк ипак йўлининг кичик бир тармоғи бўлиб хизмат қилган. Шу туфайли бу ҳудуддан жуда кўплаб работлар, қабр-қўрғонлар ҳамда ёдгорликлар аниқланган. Кандирсой ҳудудларини археологик жиҳатдан батафсил ўрганиш, тарихимизнинг кўплаб ёпиқ қирраларини очиб беради.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси: Кандирдовон Курама тизмасининг Оҳангарон туманидаги “Сусам” МФЙ ҳудудида, Кандирсойдан Тожикистоннинг Ашт водийсига ошиш қисмида жойлашган. “Кандир” сўзи шу сойда кўп ўсадиган пушти ранг бутанинг номи билан боғлиқ [Ёрматов И. 2015. – Б. 29-30]. Кандир давони қадимий қарвон йўли бўлиб бу ҳақда кўплаб манбаларда маълумотлар келтирилган. Хусусан “Бобурнома”да Қўшработ қишлоғининг жануб томонидаги Курама тизмасида жойлашган “Кандирлик добони”дан Кўкон ёки Тошкент тарафга ўтилгани ҳақида сўз юритилган. Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий [Ёрматов И. 2012. – Б. 11-18] ҳамда Мирзо Олим Маҳмуд ҳожининг “Тарихи Туркистон” асарида XVIII-XIX асрларда Оҳангарон (Курама) ҳудудида кечган тарихий воқеалар баёнида Кандир. кўп бор тилга олинган.

Кандирсой Курама тизмасининг шимолий ён бағридаги энг узун ва серсув сойларидан бири бўлиб, унинг бошланғич жилғалари жанубий-ғарбдан Мингйилки, жанубий-шарқдан эса Бобойи Четан чўққиларига бориб тақалади. Тожикистон Республикаси Сўғд вилоятининг Ашт туманига ошиб ўтиладиган Кандир довонидан (баландлиги денгиз сатҳидан 2143,3 метр) қуйига қараб Жилонли жилғаси оқади [Ёрматов И. 2012. – Б. 78-79] Кандирсой баҳор ойларида тўлиб оқиб Оҳангарон дарёсига сув қуяди. Кандирсой Оҳангарон дарёсига қадар йигирма тўрт километр масофада оқиб ўтади кейинчалик ёз ойларида унинг суви камайиб дарёга етиб бормайди. Бу сойдан асрлар мобайнида турли қарвонлар Фарғона водийси ва Ашт тарафга турли маҳсулотларини ташишган. Давон йўлидан мустақиллик йилларигача фойдаланган кейинчалик бу йўл ёпиб ташланди.

Тадқиқот натижалари: Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Кандирсой ҳудудида қабр аниқланди. Топилма қишлоқ аҳолиси томонидан тасодифан топилган бўлиб, бу ҳақда зудлик билан мутасадди органларга етказилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Миллий археология маркази ва Тарих институти ходимлари биргаликда қабр-қўрғонда илмий изланиш олиб бордилар.

Аниқланган қабр адирлик ҳудудда, Оҳангарон дарёсининг чап соҳилига яқин, Кандирсой сойининг ўнг ирмоғида дарёга қуйилиш қисмига яқин жойда жойлашган. Қабрнинг географик координатлари 40°54'6.81"Н, 69°57'9.37"Э бўлиб, ярим гектарлик адирликда жойлашган (1-расм). Қабр техникада тупроқ олиш жараёнида чўкма ҳосил бўлиши орқали аниқланган.

Даставал қабр атрофи тозаланди 3x2 ўлчамда қабр атрофи очила бошлади. 20-30 см тупроқ олинган қабрнинг юқори шифти чегаралари кўзга ташланди. Қабрнинг юқори шифти овал шаклда бўлиб чўкмаган қабрлиги маълум бўлди. Қазилган натижасида овал шаклдаги қабр лаҳади очилди (2-расм).

Унинг ўлчами 2,80x2,80 см.ни ташкил қилади Қабрнинг поли ер сатҳидан 1,20 см. чуқурликда жойлашган. Кириш йўлаги (дромос) шимоли-шарқдан кириб келган. Кириш қисми тошлар билан беркитилган ва йўлак тупроқ билан зичланган. Дромосдан қабр камерасига кириш тешиги 50x70 см. бўлиб, у турли ўлчамдаги тошлар билан беркитилган.

Қабрдан 2 та кишига тегишли скелет топилди. Жасадларнинг боши жанубга, оёғи эса шимоли-ғарбга қаратиб қўйилган. Бу қабр оилавий хилхона бўлиб, иккита скелет аниқланди. Ушбу қабрдаги скелетларнинг бош томонидан икки дона қўлда ясалган сопол идишлар ҳамда қайроқ тош топилди.

Бу типдаги катакомба қабрлар юртимиз ҳудудларидан кўплаб топилган. Тошкент воҳаси ҳудудида сўнгги бронза, илк темир, антик давр ва ўрта асрларга оид тўрт юздан зиёд ёдгорликлар мавжуд. Ўлка Ўзбекистоннинг энг йирик тарихий-маданий ҳудудларидан биридир. Тошкент воҳасидаги антик давр мазор-қўрғонларининг асосий қисмини катакомба типдаги дафн иншоотлари ташкил этади.

Бу кўринишдаги катакомба қабрлар Жиззах яқинидаги Учтепа ва Ғулбо мазор-қўрғонларда, Тошкент вилоятидаги Вревский ва Фарғона водийсидаги Кугай-Қорабулоқ маданиятига мансуб мазор-қўрғонларда [Тошбоев. Ф, 2014 – Б.68-70], Аждартепада [Обелченко О.В, 1962. – Вып. 7. – С. 57-70.], Сазагон [Обелченко О.В, 1966. – Вып. 7. – С. 66-80], Оҳалик [Обелченко О.В, 1972. – Вып. 9. – С. 56-72], Хазар [Обелченко О.В, 1972. – Вып. 9. – С. 57-66], Сағанок, Учтепа [Тошбоев. Ф, 2014. – Б.60-70], Қайрағоч, Хўжа-Бақирғон [Горбунова Н. Г, 1981. – С. 89], Киндиктепа [Древности Туябугуза, 1978. Табл. 1, рис. 20, стр. 168], Кавардон [Алимов Ў., Алимов Қ, 1994.–3-4-сон. – Б. 69-72] Ангрен [Массон М. Е. 1953. – С. 19], Оҳангарон [Исабеков Б., 2018 йил № 1/2. – Б. 32-35.], каби ёдгорликларида кўплаб учрайди.

Олимлар ўртасида катакомба қабрларнинг келиб чиқиши бўйича турли қарашлар ва фикрлар мавжуд. С. С. Сорокин катакомба қабрларнинг ушбу шаклини Ўрта Осиё туб жой аҳолиси учун хослигини таъкидлайди [Сорокин С.С. 1956. – С. 116.]. Ю. А. Заднепровский эса, С. С. Сорокиннинг фикрини инкор этиб, археологик ва антропологик материаллар катакомба қабрларни ташқаридан кириб келганлиги ҳақида маълумот бермоқда” – деб, катакомба қабрларнинг юечжилар билан боғлиқлигини илгари суради [Заднепровский Ю. А. 1956. – С. 98]. Б. А. Литвинский эса катакомба қабрлар маҳаллий илдизларга эга, улар хунлар ёки юечжиларни Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқ эмас, балки, сарматлар билан боғлиқ моддий ва маданий алоқалар натижасида тез оммалашган дейди [Литвинский. Б.А. 1968. – С. 68-70]. А. Асқаров туркий қабилалар сарматларнинг миграцияси, жанубга кўчиши билан милоддан аввалги III-II асрлардан Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида Қовунчи маданиятининг кўчманчи ва ўтроқ қабилаларининг дафнларида катакомба қабрлар пайдо бўлганлигини таъкидлайди [Асқаров А., Исабеков Б. И., Исмоилов У. М. 2021. № 4. 10 сон. – Б. 4-12.].

Катакомбали қабрларнинг Марказий Осиё ҳудудларида дромосга нисбатан жойлашиш ҳолати, узунлиги, йўналиши ва қайси томонидан лаҳад қилинганлиги, зинанинг айвон чеккасида бор-йўқлиги, лаҳадга ўтиш йўлининг турлича беркитилиши (тупроқ, гувала, тош ва бошқа)га қараб 12 дан ортиқ тури ўрганилган [Горбунова Н. Г. 1981. – С.87.35].

Топилган қабр қўрғоннинг дафн этиш камераларининг ички тузилиши овалсимон, деворлари жуда текис, шифтлари эса гумбазсимон қилиб ясалган. Майитлар асосан орқа танасида чалқанча ётқизиб, тўғри ҳолатда дафн этилган. Майитларнинг боши жанубга, оёғи эса шимоли-ғарбга қаратилган. Айрим олимлар дафн йўналишларини антик даврда, чорвадорларнинг кўплаб кириб келиши билан боғлиқ жараёнлар билан ҳам боғлайди [Тошбоев Ф. 2022. – Б. 28].

Қабр қўрғонга иккита жасад дафн этилган. Скелетлар узоқ вақт мобайнида кучли намликда сақланганлиги туфайли асл ҳолатини йўқотган. Шу сабабли мархумларнинг қайси жинс вакили эканлигини, ёши ёки тузилиши ҳақида аниқ мулоҳаза юритиш қийин. Улардан бири 1-скелет қабр лаҳадининг марказий қисмида жойлашган. Сақланган суякларнинг изларига қараганда унинг боши жанубга, оёғи эса шимоли-ғарбга узатилган бўлиб, узунлиги 180 см.ни ташкил қилади. 1-скелетнинг бош томонига 2 та сопол идишлар: 1 та кўза, биттадан кружка ярим айлана шаклда териб қўйилган. 2-скелет 1-скелетнинг ўнг томони яъни лаҳатнинг шарқий қисмида, қабр йўлагининг тўғрисида жойлашган. Мархумнинг боши

жанубга оёқлари шимоли-ғарбга узатилган. Бу скелет суяклари 160 см атрофида бўлиб, унинг суяклари ҳам асл ҳолатини йўқотган.

Биринчи скелетнинг оёқ тамонидан исирик (*peganum*) шифобахш ўсимлигининг куйган уруғлари ҳамда кул излари аниқланди. Исириқдан қадим даврлардан халқимиз покланиш, руҳий ҳимоя, ёмон кўзлардан асраш, турли ички касалликларни даволаш, дезинфекция қилиш мақсадида фойдаланиб келган. Шунингдек қабрларда гигиеник восита одамлар ўлиги билан боғлиқ ҳид ва микробларни йўқотиш, исириқни ёқиш орқали ҳидни камайтириш ва покланиш деб қаралганлар. Қабр эгаларининг ҳурматга сазовор бўлиши учун, маросимларда ёқиладиган ис ва ҳиднинг яхши бўлиши, зиёратчилар учун муносиб муҳит яратиш мақсадида ҳам ёқилган бўлиши мумкин.

Майитни қабрга қўйгач тутатқилар қилиб олов билан маросимлар ўтказиш ҳолатлари Эртош-Дўлана қабр-қўрғонларида [Матякубов Х., Нормуродов Д., Исабеков Б., Исмаилов У. 2020. № 12. – Б. 153-163.] ҳам кўзга ташланади. Биринчи скелетнинг сон суяклари орасидан тош буюм аниқланди. Ушбу тошнинг юза қисми емирилган ва силлиқланган бўлиб, эҳтимол, тиг ва пичоқларни чархлаш учун мўлжалланган қайроқ тош эканлиги аниқланди.

Ўрганилган қабрдан аниқланган сопол буюмлар жами 2 дона: бўлиб, уларнинг барчаси қўлда, яъни кулолчилик чархи ёрдамисиз ясалган. Улар куйидагича тавсифга эга:

Ҳалқасимон дастали кўза (ойнаҳоя). Ранги очжигарранг қўлда ясалган, белида ярим овал шаклдаги бир дона балдоғи бор. Бўйи – 27,5 см, оғзини диаметри – 11 см, тагини диаметри – 11,2 см.ни ташкил қилади. Бу шаклдаги кўзалар Кавардон, [Шишкина. Г.В, 1979. – С. 57. Рис. 18] Эртош-Дўлана, Тайпан материалларида ҳам кўплаб учрайди. Айнан мана шундай кўза топилган қабр скелетлари радиокарбон анализ қилинганда қабр милодий 127–320 йиллар билан даврлаштирилган [Poznan radiocarbon laboratory]. Иккинчиси куружка (ёғлоғи) бўйи 18 см, оғзини диаметри – 10,4 см, тагини диаметри 12,5 см бўлиб, унинг ҳам белида дастаси бор.

Ўрганилган қабр ва ундан топилган сопол идишлар Тошкент воҳасида кенг тарқалган Қовунчи маданияти материаллари билан жуда яқин. Айниқса, сопол идишларнинг ясалиши, тузилиши ва пардозланишига кўра бу сопол идишлар Қовунчи маданиятининг иккинчи (II–IV асрлар) босқичидаги идишларга жуда яқин [Левина, Л.М. 1971. – 263]. Шуларга асосланиб янги, тасодифан топилган қабрни ва ундаги топилмаларни II–IV асрларга тегишлилигини тахмин қилиш мумкин.



1-расм. Қабрнинг “Googel earth” дан кўриниши

Хулосалар: Кандирсой худудида топилган қабр Тошкент воҳасининг қадимий тарихини ва Қанғлилар давридаги маданий ҳаётни янада чуқурроқ ўрганиш имконини яратади. Бу топилма ўз мазмун-моҳияти билан Тошкент воҳасининг қадимийлигини, аҳолининг диний маросимлари ва ижтимоий ҳаёти даражасини кўрсатиб беради. Сопол идишлар мажмуасига кўра, қабрни этник жиҳатдан Қовунчи маданиятига тегишли эканлигини қайд қилиш мумкин. Қурама тоғ тизмасининг шимолий етакларида жойлашган қабр Қовунчи маданиятининг иккинчи босқичи (милодий II–IV асрлар)га тегишли катакомба типидagi дафн иншооти ҳисобланади. Қабрнинг жойлашуви, конструкцияси, унда топилган одам скелетлари, сопол идишлар ва қайроқ тош унга маданий, этнографик ва тарихий жиҳатдан муҳим аҳамият бағишлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Кандирсойдаги мазкур археологик топилма Тошкент воҳасининг антик даврдаги маданий, диний ва этник ҳаётини ёритувчи янги, муҳим археологик манбалардан бири бўлиб, бу худуднинг қадимий аҳамиятини янада мустаҳкамлайди.



2-расм. Кандирсойдан топилган қабрнинг умумий кўриниши

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ёрматов И. Оҳангарон водийси жой номларининг изоҳли луғати. – Тошкент. 2015. – Б. 29-30
2. Ёрматов И. Саодат водийси. – Тошкент. 2012. – Б. 11-18
3. Тошбоев Ф. Уструшона чорвадорларининг антик даврдаги маданияти.– Тошкент, 2014. – Б.68-70.
4. Обельченко О. В. Могильник Акджартепа // ИМКУ. – Ташкент, 1962. – Вып. 7. – С. 57-70.
5. Обельченко О. В. Сазаганские курганы // ИМКУ. – Ташкент, 1966. – Вып. 7. – С. 66-80.
6. Обельченко О. В. Агалыксайские курганы // ИМКУ. – Ташкент, 1972. – Вып. 9. – С. 56-72.
7. Обельченко О.В. Курганы около селения Хазара // ИМКУ. – Ташкент, 1972. – Вып. 9. – С. 57-66.

8. Горбунова Н. Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины 1-тысячелетия н.э. // АСГЭ. Вып. 22. Ленинград, 1981. – С. 89.
9. Алимов Ў., Алимов Қ, Кавардон ва Бўкада ўтказилган қазишмалаар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1994. –3-4-сон. – Б. 69-72.
10. Массон М. Е. Ахангеран. – Ташкент, 1953. – С. 19.
11. Исабеков Б. И. Қовунчи маданияти этник гурухлари Чотқол ва Қурама тоғ чўкқиларида // “ЎзМУ хабарлари” журналы, 2018 йил № 1/2. – Б. 32-35.
12. Сорокин С.С. Средне Азиатские подбойные и катакомбные захоронения как памятники местной культуры // СА. №26. – М.: 1956. – С.116.
13. Заднепровский Ю. А. К истоком кочевников Средней Азии Кушанского периода // СА. – М.: 1956. – С. 98
14. Литвинский. Б.А. Курганы и Курумы западной Ферганы. – М.: 1968. –С. 68-70.
15. Асқаров А., Исабеков Б.И., Исмоилов У. М. Ўрта Осиёда бронза даври катакомба типдаги қабрларнинг келиб чиқиши, замони ва макони ҳақидаги нотўғри талқинлар // Ўтмишга назар. № 4. 10 сон. – Тошкент. 2021. – Б. 4-12
16. Горбунова Н. Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины 1-тысячелетия н.э. // АСГЭ. Вып. 22. Ленинград, 1981. – С.87
17. Левина, Л.М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тыс. н. э. – Москва, 1971. – С. 263



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000